

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙҚУЛОВА ШАХЛО МАМАНИЯЗОВНА**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ КВАЛИМЕТРИК ДИАГНОСТИКАСИ  
(“Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Худойкулова Шахло Маманиязовна**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг  
квалиметрик диагностикаси (табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси  
мисолида) ..... 3

**Худойкулова Шахло Маманиязовна**

Квалиметрическая диагностика методической подготовки будущих  
преподавателей начальных классов (на примере дисциплины  
“Природоведение и методика его обучения”) ..... 21

**Khudoykulova Shakhlo Mamaniyazovna**

Quantimetric diagnostics of methodical preparation of teachers of future primary  
classes (On the example of “Natural Science and its teaching methodology”)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙҚУЛОВА ШАХЛО МАМАНИЯЗОВНА**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ КВАЛИМЕТРИК ДИАГНОСТИКАСИ  
(“Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD.Fed.813 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетиди бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтиснда (<http://samdu.uz/xitinoslashdankengashiga>) ва «ZiyoNET» Ахборот-телефон порталда ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:	Талипова Жамила Олимжановна педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оловентлар:	Махмудова Мувосар Махмудовна педагогика фанлари доктори, профессор Элмуратова Дилрабо Муҳаммадиевна педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўтакчи танкилат:	Жиззах давлат педагогика институтини

Диссертация ҳужуми Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Fed.02.06 рақамлар Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» 02 сент 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет кўчаси, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29, факс (0366) 239-17-14; e-mail: kengash-rb@samdu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таништи мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет кўчаси, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 02 унинг тарқатилди.  
(2022 йил «12» 02 даги 10 рақами реестр баённомаси).



Х.Н.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Р.Урақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Ш.Шадиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшмадаги Илмий семинар раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаси, методик тайёргарлигини таркиб топтириш таълим сифатини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг таълим тизими самарадорлиги мезони алоҳида ўрин тутишини инобатга олиб, таълим олувчиларнинг билимини мунтазам равишда PISA, TIMMS, PIRLS халқаро баҳолаш дастурлари орқали баҳолаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Шу мақсадда етакчи олий таълим муассасалари томонидан педагогларнинг касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда квалиметрик диагностикасини амалга оширишга аҳамият қаратилмоқда.

Халқаро миқёсда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этиш, кичик мактаб ёшидан ўқувчилар шахсини ривожлантириш, ўқувчининг интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш фаолиятини ташкил этишга оид малакаларини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш механизмларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур изланишлар бўлажак ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ҳамда ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида ривожлантириш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни таълим жараёнида муваффақиятли қўллаш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда бўлажак педагоглар, хусусан, бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш орқали таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантириш, ўқитиш сифатининг самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. “Халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиш ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш”<sup>1</sup> жамият талабларининг асосий йўналишларидан биридир. Шу жиҳатдан қараганда, замонавий талаблар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг мутахассислик моделини ишлаб чиқиш, касбий-педагогик тайёргарлик таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, методик тайёргарликка қўйиладиган минимал ва максимал талабларни аниқлаш, уларнинг даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон “Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим сифатини бошқариш ва мониторингини олиб бориш масалалари, инновацион ва ахборот технологиялар ҳамда уларни таълим жараёнига татбиқ қилиш борасидаги илмий изланишлар А.Абдуқодиров, Н.Азизхўжаева, Бегимқулов, М.Вахобов, Р.Джураев, Р.Ишмухаммедов, Г.Н.Ибрагимова, Н.С.Мамадов, Ғ.Р.Отамуродов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Д.И.Юнусова, Ш.Р.Ўроқовларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Бошланғич синф ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳамда методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари бўйича турли даврларда Б.Абдуллаева, З.Даданов, М.Жумаев, Р.Мавлонова, У.Машарипова, А.Рахимов, М.Тошпулатова, Э.Янгабаевалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг табиатшунослик фани ва ушбу фан доирасида интегратив ёндашувни таркиб топтириш бўйича методик тайёргарлигини такомиллаштириш доирасида М.М.Алиқулова, А.Д.Баҳромов, Н.Ж.Исакулова, Ш.М. Камолхўжаев, З.Н.Матякубова, Ш.М.Мирзахматова, М.И.Нуриддинова, Д.Шарипова, Д.М.Элмуратовалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Бўлажак педагогларни тайёрлашнинг квалитетрик методикаси ва параметрлари бўйича илмий қарашлар М.А.Айтимбетов, И.Х.Аюбова, Г.Н.Ибрагимова, Д.Д.Инамов, Г.Қ.Каримова, Н.Н.Каримова, Д.М.Махмудова, Н.Матякубова, М.Т.Мирсолиева, Ж.О.Толипова, Ш.Р.Ўроқов, Р.Х.Файзуллаев, М.С.Юнусоваларнинг тадқиқот ишларида келтириб ўтилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш ҳамда ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш масаласининг турли жиҳатлари, долзарб муаммолари ҳамдўстлик мамлакатларида В.С.Аванесов, В.П.Беспалько, Т.С.Веселкова, П.Я.Гальперин, А.Н.Майоров, А.А.Макаров,

Ю.М.Нейман, М.Б.Челышкова, Ю.К.Чернова, О.Ф. Шихова ҳамда хорижий тадқиқотлар тажрибасида D.S. Yeager, R.D.Taylor, T. Rose, A.J.Egalite, Jonn Cobb, C.A. Wolters, A.Wigfield, M.A.Westлар томонидан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳатлари ўрганилган.

Юқорида келтириб ўтилган педагог олимлар томонидан бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” фанидан таълим сифати мониторингини назорат қилиш борасида ўзаро таққослаш имконини берадиган ишончли маълумотларни олиш тизимини таъминлайдиган баҳолаш технологиялари ва уларнинг объектив тартибини ишлаб чиқиш етарлича таҳлил қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2017-2021 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттиришда квалитетик диагностиканинг методик ва дидактик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадқиқот муаммосига тааллуқли педагогик, психологик, методик ва педагогик квалитетрияга доир адабиётларни таҳлил қилиш ва квалитетик диагностиканинг мазмун-моҳиятини аниқлаш;

замонавий талаблар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг мутахассислик моделини ишлаб чиқиш, касбий-педагогик тайёргарлик таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш;

“Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” курси мисолида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига қўйиладиган минимал ва максимал талабларни аниқлаш ва уларни амалга оширишнинг мантикий йўналишини белгилаш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигини орттириш мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва технологияларини аниқлаш ҳамда тадқиқот юзасидан ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминотни педагогик тажриба-синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигини квалитетик ёндашув асосида диагностика қилиш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Бухоро, Самарқанд ҳамда Тошкент давлат университетларининг жами 650 нафар респондент талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг квалитетик диагностикаси мазмуни, воситалари, методлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, киёсий таҳлил, тажриба-синов таҳлили, ижтимоий методлар (анализ, синтез, таснифлаш, лойиҳалаш); эмпирик методлар (тест, анкета сўрови, гуруҳий эксперт баҳолаш методи, педагогик таъкидловчи эксперимент); математик-статистик методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг квалиметрик диагностикаси мазмуни ўқитиш воситалари (дидактик ва тарқатма материаллар, коучинг сўровномаси, супервизия кўрсатмалари), методлари (продуктив, муаммоли, мантиқий) ва технологияларидан (рефлексив, витаген, ҳамкорликда ишлаш) фойдаланиш натижаларини интеграциялаш босқичларини аниқлаштириш асосида очиб берилган;

квалиметрик диагностиканинг мантиқий (индуктив ва дедуктив) йўналишлари таркиби бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига қўйиладиган талабларни (гносеологик, лойиҳалаш, коммуникатив, конструктив, ташкилотчилик) гуруҳлаштириш (минимал ва максимал) асосида белгиланган;

методик тайёргарликнинг квалиметрик диагностикаси модели касбий-педагогик компетентликнинг таркибий қисмларини (илмий-назарий, педагогик-психологик ва методик тайёргарлик) баҳолаш ва улар даражасини ошириш босқичларини (ўқув мазмуни, ўқитиш технологиялари, мустақил таълим, педагогик амалиёт, битирув малакавий иш) киритиш асосида шакллантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-методик жараёнлари ностандарт тест шакллари, хусусиятлари ва хоссаларига кўра ишлаб чиқиш ҳамда фойдаланишга оид тавсиялар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

квалиметрик ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигининг квалиметрик диагностикаси мезонлари шакллантирилган ва амалиётга татбиқ этилган;

бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини аниқлаш имконини берадиган педагогик квалиметрияга доир адабиётлар асосида квалиметрик диагностиканинг мазмун-моҳияти аниқланган;

замонавий талаблар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг мутахассислик модели ишлаб чиқилган, касбий-педагогик тайёргарлик таркибий қисмлари: илмий-назарий, педагогик-психологик ва методик тайёргарлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик далилланган;

“Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” курси мисолида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига қўйиладиган минимал ва максимал талабларни аниқлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг мантиқий (индуктив ва дедуктив) йўналишлари аниқланган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигини орттириш мазмуни (методологик, гносеологик, конструктив,



коммуникатив, ташкилотчилик, лойиҳалаш) ўқитиш воситалари (дидактик ва тарқатма материаллар, коучинг сўровномаси, супервизия кўрсатмалари), методлари (продуктив, муаммоли, мантиқий) ва технологиялари (рефлексив, витаген, ҳамкорликда ишлаш) асосида такомиллаштирилган;

квалиметрик ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлик даражасини аниқлашнинг диагностика методикаси такомиллаштирилган ва амалиётга татбиқ этилган;

бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасининг квалиметрик диагностикасининг дидактик таъминоти педагогик тажриба-синовдан ўтказилган ва олинган натижаларни статистик қайта ишлаш орқали самарадорлик кўрсаткичи аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** муаммонинг дастлабки методологик ва назарий ҳолатларининг ҳар томонлама таҳлил этилганлиги ва методик-педагогик жиҳатдан асосланганлиги, шунингдек, ностандарт тестлардан ўтказиш, квалиметрик, математик-статистика илмий тадқиқот методларидан комплекс фойдаланганлиги, ишда олинган натижаларнинг илмий мақолалар сифатида нашр қилиниб, методика, хулоса ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

#### **Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси фанини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологиялари асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг тезаурус ва квалиметрик ёндашув асосида дидактик мақсад ва тамойилларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигини орттириш мазмуни (методологик, гносеологик, конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик, лойиҳалашга оид билим, кўникма ва малакалар), ўқитиш воситалари (дидактик ва тарқатма материаллар, коучинг сўровномаси, супервизия кўрсатмалари), методлари (продуктив, муаммоли, мантиқий) ва технологиялари (рефлексив, витаген, ҳамкорликда ишлаш) асосида диагностика қилиш имкоятини ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологиялари асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича талабалар билими сифатини объектив баҳолаш, табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси фанидан талабалар билимига қўйиладиган минимал ва максимал талаблари таркибини ностандарт тест технологиялари ёрдамида аниқлаш бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш, ўқитиш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” мисолида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг квалиметрик диагностикаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг кваллиметрик диагностикаси мазмуни, ўқитиш воситалари (дидактик ва тарқатма материаллар, коучинг сўровномаси, супервизия кўрсатмалари), методлари (продуктив, муаммоли, мантикий) ва технологияларидан (рефлексив, витаген, ҳамкорликда ишлаш) фойдаланиш натижаларини интеграциялаш босқичларига оид таклиф ва тавсиялардан 5111700-Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги № 89-03-5344-сонли маълумотномаси). Натижада педагогик олий таълим муассасаларининг Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш таълим йўналиши ўқув мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш жараёнларини ташкил этиш ва баҳолаш имконияти кенгайтирилган;

кваллиметрик диагностиканинг мантикий (индуктив ва дедуктив) йўналишлари таркиби, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига қўйиладиган талабларни (гносеологик, лойиҳалаш, коммуникатив, конструктив, ташкилотчилик) гуруҳлаштириш (минимал ва максимал), бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-методик жараёнлари, ностандарт тест шакллари, хусусиятлари ва хоссаларига кўра ишлаб чиқиш ҳамда фойдаланишга оид таклифлардан 5111700-Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш таълим йўналишида ўқитиладиган “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” фани мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги № 89-03-5344-сонли маълумотномаси). Мазкур ёндашув “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” фанидан талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган мезонларни белгилаш, ностандарт тест технологияларни кенг жорий этиш ва баҳолашни изчиллигини таъминлашга хизмат қилган;

методик тайёргарликнинг кваллиметрик диагностикаси модели, касбий-педагогик компетентликнинг таркибий қисмларини (илмий-назарий, педагогик-психологик ва методик тайёргарлик) баҳолаш ва улар даражасини ошириш босқичлари (ўқув мазмуни, ўқитиш технологиялари, мустақил таълим, педагогик амалиёт, битирув малакавий иш)га оид тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги № 89-03-1041-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш лаёқатини шакллантирилиги даражасини аниқланиб, кваллиметрик кўрсаткичлар таснифланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (6 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналда) мақола тарзида нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда методик тайёргарлик даражасини таркиб топтиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини таркиб топтириш педагогик муаммо эканлиги ҳамда педагогика олий таълим муассасалари талабаларини методик тайёрлашда педагогик диагностика методларидан фойдаланиш, бўлажак ўқитувчиларда методик тайёргарлик даражасини таркиб топтиришнинг квалитетик диагностика қилиш йўллари ёритилган.

Жаҳонда замон талабларига мос методик тайёргарликка эга бўлган педагогик кадрларни тайёрлаш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш механизмлари, методик тайёргарликни такомиллаштиришнинг педагогик тизими, бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини баҳолаш жараёни ҳамда воситаларини такомиллаштириш йўллари баён этилган.

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг муносиб касб-ҳунар эгаллашлари, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва миллий кадрлар тайёрлашни замон талаби даражасига кўтариш масаласига аҳамият берилмоқда. Республикамиздаги умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва мазмунан янгилаш, узлуксиз таълим тизимининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари тизимини янада такомиллаштириш, рақобатбардош ўқитувчининг касбий фаолиятида методик тайёргарликни кучайтириш жамият талабларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, шахс ривожланиши ва эҳтиёжларига йўналган янги таълим парадигмаси, ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий соҳалардаги

Ўзгаришлар, таълимнинг минтақалашуви, мутахассислар тайёрлаш тузилмасининг мазмуни ва сифатини тубдан ўзгартириш заруриятини тақозо этди. Бошланғич таълимнинг мазмунан янгиланиши, таълим ва тарбиянинг сифати самарадорлигини ошириш бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда касбий рақобат ўқитувчидаги шахсий фазилат ва унинг касбий фаолиятига жамият талабларининг ўзгаришига олиб келди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда квалиметрик методлардан фойдаланиб, касбий-педагогик таълим жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш, бу жараённинг мақсади, вазифаларини яхши тушунишлари, инновацион таълим (педагогик, ахборот-коммуникация) технологияларини мукаммал эгаллаш назарда тутилди.

Ж.О.Толипова томонидан педагогик квалиметрияга берилган таъриф асосида квалиметрик диагностикага муаллифлик таърифи шакллантирилди.

Квалиметрик диагностика – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини таркиб топтириш ва орттириш бўйича ташкил этилган педагогик жараён сифатини миқдорий баҳолаш муаммолари ва методологиясига асосланадиган метод ва воситалар ёрдамида эришилган натижани ташхисловчи илмий фан соҳаси саналади.

Тадқиқотда квалиметрик диагностиканинг методик ва дидактик таъминотини шакллантиришда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини таркиб топтириш ҳамда орттириш бўйича ташкил этилган педагогик жараён сифатида умумий ўрта таълим мактабларида табиатшунослик дарслари, дарсдан ташқари ишлар, экскурсия, синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасига оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга асос бўладиган “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” модули мисолида тадқиқ этилди.

Бугунги амалиётга жорий этилаётган таълим тизимининг Учинчи Ренессанс ғоясида олий педагогик таълим тизими зиммасига инновацион методик тайёргарликка эга ўқитувчиларни тайёрлаш вазифаси қўйилган. Бу ўринда бошланғич синф ўқитувчисининг фаолияти муҳим бўлиб, у 1–4-синфлардаги ўқувчиларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олиш, ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш тажрибасини эгаллаши лозим. Маълумки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигини квалиметрик диагностика асосида аниқлаш устувор ўрин эгаллайди. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиларидан замонавий талабларга жавоб берадиган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳият, чуқур билим ва илмий дунёқараш, пухта методик тайёргарликка эга шахс бўлиш талаб этилади.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг квалиметрик диагностикаси асослари”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқитувчисининг модели ва профессиограммаси, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик

тайёргарлигининг квалиметрик диагностикасини аниқлашда ностандарт тестлардан фойдаланиш, уларнинг методик тайёргарлигининг квалиметрик диагностикасини аниқлашда минимал ва максимал талаблар ёритилган.

Олий таълим муассасаларининг “5111700 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” бакалавриат таълим йўналишида табиатшунослик ва уни ўқитиш методикасидан ташкил этиладиган маъруза, амалий ва семинар машғулотларининг мазмуни, инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижасида олий таълим муассасаси зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий модели шакллантирилган (1-расм).

Модел икки таркибий қисм, яъни ўқитувчига шахс сифатида ва юқори малакали рақобатбардош педагог кадр сифатида қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Тадқиқот давомида моделнинг ҳар бир таркибий қисмига қўйиладиган талаблар, мазкур талабларга мос таълим мазмуни, ўқитиш мақсадлари аниқланган.

Бошланғич синф ўқитувчисининг моделини тузишда қуйидагилар концептуал асос сифатида қабул қилинди:

1. Бошланғич синф ўқитувчиси юқори даражадаги илмий-назарий, психологик-педагогик ва илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касб-ҳунар маданиятига эга бўлади.

2. Бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида уларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда илмий-методик тайёргарлик илмий-назарий, психологик-педагогик таркибий қисмлар билан узвий равишда интеграциялашган ҳолда амалга оширилиши зарур.

3. Бўлажак ўқитувчининг олий таълим муассасасида ўзлаштирган билим, кўникма, малака, касбий-педагогик компетенциялари фаолиятда хусусий методик даражада, яъни табиатшунослик асослари ва уни методикаси модулини ўқитиш жараёнида қўлланилади. Шу боис, ўқитувчи касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари ичида илмий-методик тайёргарлик асосий ўринни эгаллайди.

4. Ўқитувчи илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари сифатида методологик, гносеологик, коммуникатив, конструктив, лойиҳалаш ва ташкилий фаолиятга оид билим, кўникма, малакалар, таянч ва касбий-педагогик компетенцияларнинг ривожлантирилиши назарда тутилди.

Тадқиқотнинг мантиқий йўналиши сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» модулининг мазмунини модернизациялаш, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларга мослаш.


2. «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» модулидан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида ўқув мақсадларига мувофиқ таълим мазмунини эътиборга олган ҳолда инновацион ва ахборот технологияларни уйғун равишда қўллаш.

3. Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг мустақил таълими ва

ишини эволюцион тарзда босқичма-босқич ташкил этиш.

4. Педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш самарадорлигини орттириш.

5. Талабаларни ижодий изланишларга йўллаш орқали битирув малакавий ишларнинг илмий-методик даражасини орттириш.



**1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг замонавий модели.**

Мазкур модел асосида «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» модулидан талабаларнинг илмий-методик тайёргарлигига қўйиладиган минимал ва максимал талаблар аниқланди ва квалиметрик диагностика қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

“Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” курси маъруза, амалий ва семинар машғулоти инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланилган ҳолда лойиҳаланган бўлиб, ўқитишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигига қўйиладиган минимал ва максимал талаблар мазмуни (методологик, гносеологик, конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик, лойиҳалашга оид билим, кўникма, малака, касбий-педагогик компетенциялар)ни амалга ошириш мақсадида мантикий (индуктив ва дедуктив) йўналишлари ишлаб чиқилган (2-расм).




**2-расм. Бошланғич синф ўқитувчиси квалиметрик диагностикаси индуктив йўналиши**

Тадқиқот давомида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини таркиб топтириш жараёни индуктив мантикий йўналишда, яъни хусусий гносеологик, методологик, конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик ва лойиҳалашга доир методик билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнидан бошланиб минимал талаблар асосида квалиметрик диагностикадан ўтказилди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини таркиб топтириш жараёни табиатшунослик асослари ва уни ўқитиш методикаси курсининг маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулоти ва мустақил таълимда минимал талаблар асосида индуктив мантикий йўналишда олиб борилди ҳамда квалиметрик диагностикадан ўтказилди.



Табиатшунослик асослари ва уни ўқитиш методикаси курсининг маъруза, амалий, семинар машғулотлари ва мустақил таълим тугагандан сўнг, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини орттириш жараёни ўқув режага мувофиқ педагогик амалиёт даврида дедуктив мантикий йўналишда, яъни хусусий гносеологик, методологик, конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик ва лойиҳалашга доир методик билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнидан бошланиб максимал талаблар асосида квалиметрик диагностикадан ўтказилди (3-расм).



**3-расм. Бошланғич синф ўқитувчиси квалиметрик диагностикаси дедуктив йўналиши**

Тадқиқот давомида педагогик амалиётнинг бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини орттириш юзасидан дидактик мақсадлари аниқланди ва амалга ошириш йўллари белгиланди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик, хусусан, илмий-методик тайёргарлик даражасини квалиметрик диагностикадан ўтказишда педагогика олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг барча шакллари, маъруза, лаборатория, амалий,



семинар машғулоти, мустақил таълим билан бир қаторда педагогик амалиёт муҳим ўрин тутди.

Тадқиқотда бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттиришда педагогик амалиётнинг касбий-педагогик ривожлантириш, инновацион фаолиятга тайёрлаш, коррекциялаш, таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш каби дидактик функциялари аниқланда ва дедуктив йўналишда амалга оширилди.

Квалиметрик таҳлил талабаларда педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаси бир хил эмаслигини кўрсатди. Шунга мувофиқ талабалар қуйидаги даражаларга ажратилди:

I даража. Педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш. Бу даражада талаба педагогик фаолиятни ўзининг модели асосида ташкил этади, ўз педагогик хатти-ҳаракатларини илмий-методик жиҳатдан асослайди, педагогик кўникмаларни мустаҳкам эгаллаганлигини намоён этади. Таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этади ва бошқаради.

II даража. Педагогик фаолиятга продуктив ёндашиш. Бу даражада талаба ўз педагогик фаолиятини назарий билим ва амалий кўрсатмалар асосида ташкил этади, ўқитиш воситалари, методлари ва педагогик хатти-ҳаракатларни танлаш ҳамда амалга оширишда мустақиллик намоён этади, таълим-тарбия жараёнида муваффақиятларга эришади.

III даража. Педагогик фаолиятга репродуктив ёндашув. Бу даражада талаба онгли равишда билимларини амалиётда қўллашга ҳаракат қилади, педагогик тафаккурида тизим бўлмагани учун хато ва камчиликларга йўл қўяди, педагогик фаолиятни намуна ва кўрсатмалар асосида ташкил этади ҳамда муайян натижаларга эришади.

Талабаларнинг педагогик фаолиятга илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиш, уларда дидактик кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда, ҳар бир талабага ўз-ўзини назорат қилиш, олинган натижага мувофиқ, илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш индивидуал иш режаси тавсия этилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик тайёргарлигининг квалиметрик диагностикаси бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ёритилган.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 1-жадвал кўрсаткичлари асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни методик тайёрлашда квалиметрик диагностикаси ривожланганлик даражасини тажриба-синовгача бўлган даврда ўтказилган тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари умумий ҳолатда статистик таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд, Бухоро давлат университетлари 5111700-“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” йўналиши талабаларига 2018-2020 йилларда олиб борилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари “юқори”, “ўрта”, “паст” даражалар бўйича баҳоланди (1-жадвал).

Тажриба-синов ишларига II–III курс талабалари олинган бўлиб, тажриба гуруҳида жами 342 та, назорат гуруҳида жами 345 та талаба қатнашди. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

1-жадвал

**Тажриба-синов ўтказилган вақтда тажриба ва назорат гуруҳларининг иштироки ва ўзлаштириш даражалари**

Тажриба-синов ўтказилган вақт	Гуруҳлар	Талабала р сони	Ўзлаштириш даражаси		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба	340	60	140	140
	Назорат	338	58	130	150
Тажриба охирида	Тажриба	342	123	160	59
	Назорат	345	71	186	88


Тажриба-синов натижаларидан олинган маълумотлар бўйича статистик таҳлил ишлари  $\chi^2$  мезони асосида олиб борилди ва қуйидаги натижалар олинди.

$C = 3$ ,  $\alpha = 0,05$  деб олсак,  $\nu = 3 - 1 = 2$  бўлиб,  $\chi^2$  мезонининг Г жадвали асосида олинган  $T_{кр} = 5,991$  га тенг.

Ҳисобга кўра,  $T_{куз} = 0,77 < T_{кр} = 5,991$  бўлганлиги учун нолинчи гипотеза қабул қилинади. Танланган гуруҳлар талабаларининг билим даражалари тажриба синов бошида сезиларли фарқ қилмаган шунинг учун, тажриба ва назорат гуруҳлари тўғри танланган.

Ҳисобга кўра  $T_{куз} = 6,132 > T_{кр} = 5,991$ , бундан кўринадики, танланган гуруҳлардаги тажриба гуруҳида ўтказилган назорат ишларидаги билим даражалари назорат гуруҳларидан фарқи сезиларли даражада.

Олинган натижаларнинг диаграмма кўринишидаги кўрсаткичи қуйида берилмоқда (4-расм).



**4-расм. Тажриба охирида олинган баҳоларнинг диаграмма кўринишидаги кўрсаткичи**

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги балларнинг ўртача қиймати қуйидагича ( $\bar{x}$  - тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қиймати,  $\bar{y}$  - назорат гуруҳидаги балларнинг ўртача қиймати).  $\bar{x} = 4,18 > 4,0 = \bar{y}$

Кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қийматини

назорат гуруҳига нисбатан 18 % га юқори эканлиги маълум бўлди. Демак, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги исботланди. Тадқиқот натижалари бўлажак ўқитувчиларни педагогик маҳоратини ривожланганлик даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини кваллиметрик диагностикаси бўйича ишлаб чиқилган дарс ишланмалари, методик кўрсатмалар талабаларнинг билим савиясининг сезиларли ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида тадқиқот натижалари самарадорлигини ва методик тавсияларнинг ҳамда ишланмаларнинг илмий-педагогик нуқтаи назаридан ишончлилигини тасдиқлайди.

## ХУЛОСА

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлигининг кваллиметрик диагностикасини шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигининг кваллиметрик диагностикасига оид педагогик, психологик ва методик кваллиметрияга доир адабиётлар таҳлили натижасида педагогик кадрларнинг кваллиметрик диагностиканинг мазмун-моҳияти аниқланди ва муаллифлик таърифи шакллантирилди

2. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги илғор тажрибалар ва замонавий талаблар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг мутахассислик модели такомиллаштирилди, мазкур моделда ўқитувчига шахс ва рақобатбардош кадр сифатида қўйиладиган талаблар, касбий-педагогик тайёргарлик таркибий қисмлари илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва интеграция аниқланди.

3. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигига қўйиладиган минимал ва максимал талаблар (методологик, гносеологик, коммуникатив, конструктив, лойиҳалаш ва ташкилотчиликка оид) “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” курси мисолида аниқланди ва уларни ўқув машғулотида индуктив, педагогик амалиётда дедуктив мантикий йўналишда амалга оширилишнинг методик таъминоти шакллантирилди.

4. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлигини орттириш мазмуни (методологик, гносеологик, конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик, лойиҳалашга оид билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенциялар) ўқитиш воситалари (дидактик ва тарқатма материаллар, коучинг сўровномаси, супервизия кўрсатмалари), методлари (продуктив, муаммоли, мантикий) ва технологиялари (рефлексив, витаген, ҳамкорликда ишлаш) асосида аниқланди.

5. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлик даражасини кваллиметрик ёндашув асосида аниқлаш юзасидан ишлаб

чиқилган дидактик таъминот педагогик тажриба-синовдан ўтказилди ва олинган натижаларни статистик қайта ишлаш орқали самарадорлик кўрсаткичи муайян даражада ортганлиги аниқланди

**Тадқиқот иши доирасида олинган натижаларга кўра қуйидаги тавсиялар илгари сурилди:**

1. Бошланғич таълим ўқув дастурларини умумий ўрта таълим мактабларида таълим мазмунини модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ўзгаришларга мослаштириш.

2. Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида супервидения кўрсатмалари ва коучинг сўровномаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш.

3. Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси мазмунини бошланғич синфларда ўқитиш назарда тутилган табиий фанлар дастури талаблари билан бойитиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИЙ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХУДОЙКУЛОВА ШАХЛО МАМАНИЯЗОВНА**

**КВАЛИМЕТРИЧЕСКАЯ ДИАГНОСТИКА МЕТОДИЧЕСКОЙ  
ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ  
КЛАССОВ (на примере дисциплины “Природоведение и методика его  
обучения”)**

**13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (педагогика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

The theme of the dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) was registered at the supreme attestation commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under №B2019.1.PhD/Ped813.

The dissertation has been prepared at the Samarkand State University.  
The ABSTRACT of the Dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the Scientific Council website of ([http://samdu.uz/ixtisoslashgan\\_kengashlar](http://samdu.uz/ixtisoslashgan_kengashlar)) and on the information and education portal "ZiyoNET" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Scientific supervisor:** Tolipova Jamila Alimjonovna  
Doctor of Pedagogical Sciences, professor

**Official opponents:** Makhmudova Muyassar Makhmudovna  
Doctor of Pedagogical Sciences, professor  
Elmuratova Dilrabo Mukhammatovna  
Doctor of philosophy (PhD) of Pedagogical Sciences

**Leading organization:** Jizzakh State Pedagogical Institute

The defence of the dissertation will take place on 25 02 2022 at 10<sup>00</sup> at the meeting of the scientific degree awarding Council PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 under Samarkand State University. (Address: University Boulevard 15, 1400104, Samarkand city. Tel: (0366) 239-11-40. Fax: (0366)239-11-40, e-mail: [samdu\\_edu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_edu_ped_kengash@umail.uz)).

The dissertation can be reviewed at the information resource center of Samarkand state University (the dissertation has been registered with the number 20). (Address: University Boulevard 15, 140104, Samarkand city. Tel: (0366) 239-11-40, fax: (0366) 239-11-40).

The abstract of the Dissertation was distributed 12 02 2022  
(Protocol of the register № 10 on 12 02 2022).



**Kh.I.Ibraimov**  
Chairman of the Scientific Council on  
awarding of scientific degrees, Doctor of  
Pedagogical Sciences, Professor

**Sh.R.Urakov**  
Scientific Secretary of the Scientific Council  
on awarding of scientific degrees,  
Doctor of Philosophy (PhD) of  
Pedagogical Sciences

**N.Sh.Shodiev**  
Chairman of the Scientific Seminar  
at the Scientific Council on  
awarding of scientific degrees,  
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире как важное направление повышения качества образования рассматривается уровень профессионально-педагогической подготовки будущих учителей педагогических вузов, состав методической подготовки. Учитывая особую роль государства в эффективности системы образования по привлечению инвестиций, обеспечивающих социально-экономическое развитие общества, широко используется практика регулярного оценивания знаний обучающихся по международным программам оценивания PISA, TIMMS, PIRLS. С этой целью ведущие высшие учебные заведения уделяют внимание определению уровня профессиональной подготовки преподавателей и внедрению квалитетической диагностики.

Проводятся международные исследования механизмов оценки и анализа умений организации творческой деятельности учащихся при подготовке будущих учителей, развития учащихся с раннего возраста, организации деятельности по реализации интеллектуального потенциала учащихся. Данное исследование позволит развить профессионально-педагогическую компетентность будущих учителей на основе таких показателей, как мотивационно-когнитивные, операциональные, рефлексивные и самооценки, расширить возможности успешного использования современных информационно-педагогических технологий в образовании.

В нашей стране особое внимание уделяется развитию грамотности в области образования, математики и естественных наук, повышению качества преподавания за счет совершенствования методической подготовки будущих учителей, в частности, учителей начальных классов. «Подготовка высококвалифицированных, творчески и системно мыслящих, способных принимать самостоятельные решения на основе международных стандартов, создание необходимых условий для проявления их интеллектуальных способностей и формирования духовно зрелой личности» является одним из приоритетов общества<sup>1</sup>. В связи с этим представляется важным разработать модель профессионализма будущего учителя начальных классов на основе современных требований, определить взаимосвязь компонентов профессионально-педагогической подготовки, определить минимальные и максимальные требования к методической подготовке, оценить их уровень.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит для осуществления задач поставленных на основании Закона “О государственной молодежной политике” от 14 сентября 2016 года Республики Узбекистан, “О Стратегии действий по коренному развитию Республики Узбекистан” ПП-4947 от 7 февраля 2017 года Президента Республики Узбекистан, Указа “Об утверждении концепции развития до 2030 года системы высшего образования Республики Узбекистан” УП-5847

---

<sup>1</sup> 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

от 8 октября 2019 года, “О мерах по развитию системы Высшего образования” ПП-2909 от 20 апреля 2017 года, “О дополнительных мерах по обеспечению активного участия в осуществляемых широкомасштабных реформах осуществляемых в стране и повышению качества образования в ВУЗах” ПП-3775 от 5 июня 2018 года.

**Актуальность исследования современным тенденциям развития науки и техники в республике.** Исследование выполнено в рамках приоритета I. Развитие науки и технологий республики «Социально-правовое, экономическое, культурно-духовно-образовательное развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В процессе создания настоящего исследования использованы труды по управлению и мониторингу качества образования, научным исследованиям инновационных и информационных технологий и их применению в образовательном процессе А.Абдукадырова, Н.Азизходжаевой, Бегимкулова, М.Вахобова, Р.Джураева, Р.Ишмухаммедова, Г.Н.Ибрагимовой, Н.С.Мамадова, Г.Р.Тамуродова, Ю.Г.Юлдашева, Д.И.Юнуёвой, Ш.Р.Урокова.

В разное время, проводились разные исследования посвященные вопросам усовершенствования методики, а также подготовки профессионально-педагогической деятельности преподавателей начальных классов проводились Б.Абдуллаевой, З.Дадановым, М.Жумаевым, Р.Мавлоновой, У.Машариповой, А.Рахимовым, М.Тошпулатовой, Э.Янгибаевой.

